Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 5 (456) 2021 йил 22 январь, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# МАСАЛА АВВАЛО МАҲАЛЛАДА ҲАЛ БЎЛСАГИНА ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 21 январь куни Бухоро вилоятига келди.

Давлат раҳбари вертолётда Олот туманига йўл олди.

Бу – ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган жорий йилги биринчи ташриф. Ва у мазкур чекка тумандан бошланаётгани бежиз эмас.

2020 йил 27 апрель куни Бухоро вилоятига жанубдан кучли шамол кириб келган эди. Уй-жойлар, инфратузилма ва экинларга катта зарар етказганди.

Давлатимиз раҳбари зудлик билан у ерга етиб бориб, табиий офат оқибатларини бартараф қилиш, турар жойлар ва ижтимоий объектларни таъмирлаш бўйича топшириқлар берган эди. Қисқа муддатда зарур ишлар бажарилиб, ҳаёт ўз маромига қайтди.

Бу галги сафар чоғида Президент вертолётда ушбу ишлар қамровини кўздан кечирди.

Хусусан, Олот, Қоракўл, Жондор, Ромитан, Пешку ва Шофиркон туманларида 45 мингта уй, 204 та кўп қаватли турар жой таъмирланган. Мингдан ортиқ ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектлари, йўллар, электр, газ ва алоқа тармоқлари тикланган.

Давлатимиз раҳбарига ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдим қилинди.

Унга кўра қишлоқ жойларда, маҳаллаларда мобил хизмат кўрсатиш пунктларини контейнерларда ташкил қилиш мумкин. Контейнерлар ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланмоқда. Ундан мини тикувчилик цехи, гўзаллик салони, пойабзал таъмирлаш устахонаси, ширинлик дўкони каби кўплаб йўналишларда фойдаланса бўлади. Шундай платформалардан биттасида камида 4 та иш ўрни яратиш мумкин.

Президентимиз лойиҳа билан танишиб, мутасаддиларга уларнинг таннархини камида 30 фоизга камайтириш, коммуникация ва канализация тизимларига улаш масалаларини ҳал қилиш бўйича топшириқ берди.

Шунингдек, Олот ва унга қўшни туманларда амалга оширилиши режалаштирилган архитектура-қурилиш, хусусан, туман марказий кўчаларини реконструкция қилиш, аҳоли учун замонавий кўп қаватли уйлар қуриш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олот тумани марказида Олот, Қоракўл, Жондор ва Шофиркон туманлари фаоллари, маҳалла раислари билан учрашди. Ўтган йили содир бўлган табиий офат ёдга олинди.

– 2020 йил Ватанимиз учун, шу жумладан, Бухоро вилояти учун жуда катта синовлар йили бўлди. Бу ерда юз берган табиий офат иқтисодиётга, инфратузилмага, одамлар 30-40 йиллаб қурган уйларига катта талафот етказди. Биз халқимизнинг сабр-тоқати, бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги билан бу балолардан қудратли бўлиб чиқамиз, деб ният қилгандик, мана, шу натижаларга эришдик, – деди Президент.

Ҳеч бир оила эътиборсиз қолдирилмагани таъкидланди. Хусусан, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида Олот, Қоракўл ва Жондордаги эҳтиёжманд оилаларга қарийб 14 миллиард сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши, бунинг учун қуйи тизимдаги раҳбарлар уйғониши, жон куйдириши кераклиги айтилди.

– Бугун бу ерга келишимдан мақсад – халқимизни кўпроқ эшитиш, эртанги марраларни белгилашда тўғри йўл тутиш. Туман ҳокимлари ва маҳалла раислари ўзларини қийнаётган муаммоларни очиқ-ойдин айтиб, уларнинг ечими бўйича таклифларини билдирса, ниятимиз амалга ошади, – деди давлат раҳбари.

Ҳудудларни ривожлантириш дастури ҳамда камбағалликни қисқартириш режалари маҳаллабай тизим асосида ишлаб чиқилиши таъкидланди.

Мутасаддилар Олот туманида маҳаллабай ишлаш тизими тақдимоти чоғида Бунёдкор ва Шайхлар маҳаллалари уйма-уй юриб ўрганилгани, шунда аҳоли вакиллари турли касб-ҳунарларни эгаллаш истаги борлигини билдирганини қайд этди. Фуқароларнинг истакларидан келиб чиқиб, бугунги кунда тумандаги касб-ҳунар мактаби ҳузурида саккиз йўналишда касбларга ўргатиш ўқув курслари ташкил этилди.

Президент мазкур тажриба асосида Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда мамлакатимиздаги 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактабини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига бўйсунадиган янги тизим жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Тегишли раҳбарларга жойларда аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, ўша ҳудуддаги тадбиркорларга керак бўлган касб-ҳунарларга ўқитишни ташкил этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Маҳалла раисларига ўз ҳудудидаги ҳар бир фуқарони рози қилиш, иқтисодий сектор билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб, иш ўринлари яратиш, ўша хонадонларда ободлик ва фаровонликни таъминлаш бўйича вазифалар юклатилди.

2-бет

## Шу куннинг гаплари

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги янги Яйпан мавзесида давлат дастури доирасида **5 млрд 179 млн** сўм маблағ сарфи ҳисобига 40 та синфхонадан иборат икки қаватли, ҳар жиҳатдан замон талаблари даражасидаги янги мактаб фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кейинги йилларда қишлоқ ва овуллар ҳам таниб бўлмас даражада чирой очмоқда. Айниқса, “Обод қишлоқ” давлат дастури қабул қилингандан сўнг ишлар кўлами янада кенгайди. Бу жиҳатдан Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги йўлсозлар ҳам бошқалардан ортда қолаётгани йўқ.
Улар ташаббус кўрсатиб, биратўла ҳудуддаги **16 та** қишлоқ йўлларини янгилашга киришишди. Бу эса шу жойларда яшовчиларнинг бир неча йиллик орзусини рўёбга чиқарди.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислоҳотлар жадал суратларда бормоқда. Режага кўра, 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида беморларга бепул хизмат кўрсатадиган гемодиализ марказлар қурилиб, ишга туширилади.

Президентимизнинг ташаббуси билан ёшларга берилган субсидиялар асосида пойтахт вилоятининг Оққўрғон туманидаги “Бойғули” МФЙ ва “Меҳригиё” МТП ёшлари учун спорт майдонлари қуриб берилди.

# Ички йўллар таъмирланмоқда

**Ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига қулайлик яратишда муҳандислик-коммуникация тармоқлари созлиги устувор аҳамиятга эга. Бугунги кунда Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида таъмирталаб ички йўлларни хатловдан ўтказиш ва уларни шағаллаштириш ишларига эътибор кучайтирилган. Жойларда мутасадди ташкилот ва бошқармалар раҳбарлари ўзини ўзи бошқариш идоралари раислари ҳамкорлигида ўрганишлар олиб боришмоқда.**

**Зуҳриддин АҲАДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Биргина Жондор туманида аниқланган 346 километрдан иборат қишлоқ ички тупроқ йўлининг 50 километрини шағаллаштириш ишлари йўлсоз мутахассислар, техника ва механизмларни жалб этган ҳолда уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Режалаштирилган йўлнинг 50 фоизи бажарилиб, ётқизилган шағал миқдори 22 460 куб метрни ташкил қилмоқда.

– Шу кунларда “Пўлоти” МФЙ Демун қишлоғининг 1 километр, “Хумдонак” МФЙ Буржоқ қишлоғидаги 400 метр узунликдаги йўлни шағаллаштириш ишларини ниҳоясига етказаяпмиз, – дейди “Жондорйўлқурилиштаъмир” унитар корхонаси бош муҳандиси Ботир Саноев. – Жамоамиз, грейдер, каток ва оғир юк ташувчи техникалар кучи билан бир кунда 600 метргача йўлни тайёрлаб, шағал ётқизяпти. Худди шундай, шағаллаштириш ишлари тумандаги 24 та қишлоқнинг 23 километр йўлида ҳам бажариляпти.

– Айни пайтда 3 мингдан ортиқ фуқаролар истиқомат қилаётган маҳалламизда аҳолининг бир неча йиллик талаби бир неча кунда қаноатлантирилаётганидан хурсандмиз, – дейди “Демун” МФЙ раиси Ёқубжон Ҳасанов.

Умуман, шу кунларда вилоят йўлсозлари зиммасидаги иш ҳажми нисбатан ортган. Шаҳар ва туманларда хатловдан ўтказилган ички йўлларнинг 522,2 километри шағаллаштиришга киришилган бўлса, 249,6 километр йўл қисмида бу ишлар сифатли бажарилган ва 109 минг тоннадан зиёд шағал манзилларга ташиб берилган. Ҳар куни 4-5 километр йўл қисмида тупроқ ишлари бажарилиб, шағал ётқизилмоқда .

Танишинг, янги раҳбар

# Юксак марралар сари



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Дилшод Абдуғаниевич Ниязов Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.**
**“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири Нурбек Абдуллаев у кишини янги лавозим билан қутлаш баҳонасида вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида суҳбатлашди.**

**– Дилшод Абдуғаниевич, аввало, янги лавозимда иш бошлаганингиз билан табриклаймиз. Соҳани янада ривожлантириш учун қандай тадбирлар амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайсиз?**

– Раҳмат, биринчи навбатда янги вазифани менга билдирилган катта ишонч ҳамда масъулият, деб ҳисоблайман. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг Фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида вилоятда қурилиш соҳасини юксалтириш учун бир қатор ишлар қилинганини эътироф этиш зарур. Мана шу жараёнда тўпланган илғор тажрибани янада бойитиш ҳамда такомиллаштириш зарур.

Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларда бунёдкорлик ишлари кўлами сезиларли даражада кенгайди. Лойиҳа ва қурилиш-пудрат ташкилотлари сони ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг фаолиятини тўлақонли мувофиқлаштириш учун астойдил ҳаракат қилишимиз зарур. Айниқса, муаллифлик назорати, янги техника, технологиялардан, замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш зиммамизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

**– Биринчи галда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар нималардан иборат деб ўйлайсиз?**

– Аввало шуни айтиш кераккки, ҳар бир соҳада тартиб-интизомни таъминламай туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда тармоқни ривожлантириш учун ишни лойиҳа-смета ҳужжатларини мукаммал ва пухта тайёрлашдан бошлаш керак. Чунки бу борада йўл қўйилган кичкина хато ҳам пировард натижада катта муаммони келтириб чиқариши мумкин. Бу ўринда экспертиза ва назорат ташкилотларининг роли беқиёсдир. Лекин ҳозирча улар етарли даражада талабчанлик кўрсатмаётир.

Деярли ҳар куни ҳамкасбларимиз билан қурилиш майдонларида бўлишга тўғри келади. Уларнинг сони тобора кўпайиб бораётгани қувончли, албатта. Бироқ ҳамма ерда ҳам қонун-қоидаларга тўла риоя қилинмоқда, деб бўлмайди. Айниқса, шаҳарсозлик ва меъморий талабларга бўйсунмаслик, лойиҳа параметрларидан чекиниш ҳоллари кўп учрайди. Ноқонуний қурилишлар ҳақида эса жуда кўп гапириш мумкин. Аслида, бу ҳам ўзимизнинг хатоларимиз туфайли юзага келган. Чунки ҳозиргача бу борада етарли тарғибот олиб борилмаган. Оқибатда баъзан тушунмовчиликларга, нохуш ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Келгусида бунга жиддий эътибор қаратамиз.

2-бет

# 400 нафар аёллар ва ёшлар иш билан таъминланди

**Навоий вилояти Навбаҳор туманида яқинда иш бошлаган “Navbahor kasaba chevarlari” тикув цехи лойиҳасига “Халқ банки” томонидан 4 млрд сўм кредит ва ташаббускорларнинг 2 млрд сўм маблағлари жалб қилинди. Корхонада 10 турдан ориқ кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.**

Туманнинг Қалқонота маҳалласида ташкил этилган тикувчилик цехида 400 нафар хотин-қиз фаолият юритмоқда.

– Тошработ маҳалласида яшайман, – дейди тикувчи Мадина Абдуқаҳҳорова. – Ўтган йил ноябрь ойидан бу ерда иш бошладим. Унга қадар 3 ой ўқув курсларида малака оширдик. Бу даврда бизлар учун стипендия ҳам тўланди. Корхонамиздаги шарт-шароитлар юқори даражада ва бундан мамнунмиз.



“Navbahor kasaba chevarlari” тикув цехида. Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№5 (456) 2021 йил 22 январь

# МАСАЛА АВВАЛО МАҲАЛЛАДА ҲАЛ БЎЛСАГИНА ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛАДИ

1-бет

– Маҳалла раиси қачон обрўли бўлади? Халқ дардини раҳбарларга лўнда қилиб қўйса. Ҳамма масала аввало маҳаллада ҳал бўлсагина одамлар рози бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига республика бўйича чекка ҳудудларда жойлашган 968 та маҳаллалардаги шароитларни яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Жумладан, Бухоро вилоятидаги 55 та оғир, олис ва чегара ҳудудлардаги маҳаллалар танлаб олиниб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари ва маҳаллабай тизимни жорий этиш бўйича алоҳида вазифалар белгилаб берилди.

Бу йил ёшлар ва оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун Қоракўл туманига 36 миллиард сўм, Олот туманига 21 миллиард, Жондор туманига 49 миллиард сўм маблағ ажратилади.

2021-2022 йилларда Олотда 42 та, Қоракўлда 56 та, Жондорда 67 та лойиҳа амалга оширилиб, 3 мингта доимий иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Олотда лойиҳа қиймати 20 миллион доллар бўлган логистика маркази, Қоракўлда олтингугуртни қайта ишлаш корхонаси, Жондорда керамик плиталар ишлаб чиқариш объекти ишга туширилади. Кичик саноат зоналари ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланилмаган имкониятлар бор. Жорий йилда 18 километр мелиорация тармоқлари қурилиб, Жанубий Олот хўжаликлараро коллектори реконструкция қилинади. Натижада фойдаланишдан чиққан ерлар қайта ўзлаштирилиб, бозорбоп маҳсулотлар етиштирилади.

Президентимиз ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталди. Хусусан, Олот туманида кинотеатр ва кутубхонани ўз ичига олган Маънавият ва маданият маркази қурилиши қайд этилди. Шунингдек, мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт муассасалари, ижтимоий хизмат объектлари барпо этилади.

Бу йил Қоракўлдаги Халқаро математика мактаби реконструкция қилиниб, 200 ўринли ётоқхона қурилиши таъкидланди. Бу даргоҳнинг иқтидорли ёшлари IT соҳасига жалб қилинади.

Жаҳон банки иштирокидаги Олот ва Қоракўл туманлари ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича 139 миллион долларлик лойиҳа якунланиб, 265 минг аҳоли ичимлик суви билан таъминланади. Бу икки туманда сўнгги 30 йилдан буён ичимлик суви таъминоти 17 фоиз бўлган, жорий йилда бу кўрсаткич 90 фоизга етади.

Давлатимиз раҳбари учрашувда маҳаллий аҳолининг мурожаатларини инобатга олиб, Олот – Тошкент темир йўл қатнови қайта тикланишини маълум қилди.

Бугун бутун мамлакатда уйғониш даври. Лоқайдлик, ўзибўларчилик билан ўзгариш бўлиб қолмайди. Халққа шароит яратиш, ташаббускорларга кўмаклашиш, тинимсиз интилиш ва меҳнатгина натижа келтиради. Учрашув мана шундай руҳда ўтди.

Бухоро туманидаги "Бухоро Варнет" корхонаси. Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилда бу ерга келганида иш энди бошланган эди. Ҳозирги кунда у замонавий агросаноат мажмуасига айланмоқда.

Аввал бу ерда фақат иссиқхона бўлган бўлса, эндиликда унинг ёнида ўқув маркази, лаборатория ҳамда иссиқхоналар учун конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этилмоқда. Яъни, замонавий иссиқхоналар учун нимаики керак бўлса, шу ерда тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари бу галги ташрифи чоғида мазкур мажмуанинг янги имкониятлари билан танишди.

– Иссиқхоналар билан шунча йилдан бери шуғулланяпмиз, лекин профессионаллар йўқ эди. Энди бу йўналиш янги сифат босқичига чиқяпти, – деди Президент.

Бухоро вилоятининг кўп ерлари шўрхок ва қумлоқ, сув эса танқис. Бундай жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун гидропоника усули жуда қулай. Шу боис 2018 йил 10 июлдаги Президент қарори билан "Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган эди. Бу зона учун Жондор, Когон, Пешку, Ромитан ва Бухоро туманларидан 3 минг гектар ер ажратилди. Тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилиб, кластер тизимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун кенг шароит яратилди.

"Бухоро Варнет" корхонаси ҳам ана шу имкониятлар самараси. Лойиҳанинг умумий қиймати 120 миллион доллардан зиёд бўлиб, бу маблағнинг ҳаммасини тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ташкил этади.

Бугунги кунгача 10 миллион доллар ташқи инвестиция ўзлаштирилиб, 13 гектар майдонда иссиқхона қуриб битказилди, 260 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Яна 17 гектарда қурилиш ишлари давом этмоқда.

Ўтган йили қарийб 20 миллиард сўмлик маҳсулот етиштирилиб, 1 миллион долларлик экспорт қилинган. Жорий йилда 26 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиниши режалаштирилган.

Корхона учун қарийб 113 гектар ер ажратилган бўлиб, тўлиқ ишга тушганда йиллик қуввати 33,8 минг тонна бўлади, жами 2 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Президент 2020 йил 12 декабрь куни Хоразм вилоятида бўлганида йирик иссиқхоналар ҳузурида ўқув маркази очиб, шу йўналишга қизиққан тадбиркорлар ва ёшларни тайёрлаш кераклигини таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбари "Бухоро Варнет" корхонасида ташкил этилган шундай марказни кириб кўрди.

– Бу тизим нима учун муҳим? Биринчидан, ёшларимизга ривожланган мамлакатлар мутахассислари онлайн режимда дарс беради. Иккинчидан, иссиқхоналар учун зарур материаллар маҳаллийлаштирилади. Энг муҳими, бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқарилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари "Бухоро Варнет" корхонасида хонадонлар учун ихчам иссиқхоналар қуриб беришни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Шу ерда 2021 йил учун Бухоро вилоятида аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш бўйича тақдимот ўтказилди. Барча лойиҳалардан кўзланган ягона мақсад – аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда қишлоқ хўжалигини драйверга айлантириш.

Бухородаги "BCT Cluster" пахта-тўқимачилик кластери Ўзбекистондаги қалдирғоч кластер ҳисобланади. У Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган кластер ғоясининг дастлабки амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбари кластерга қарашли "Bukhara Cotton Textile" тўқимачилик корхонасига борди.

"BCT Cluster" давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги "Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган. У ўзида пахта етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашгача бўлган барча технологик занжирларни тўлиқ бирлаштирган. Хусусан, Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги 8 000 гектар экин майдонида пахта етиштирилса, тола Бухоро шаҳрида бунёд этилган замонавий тўқимачилик мажмуасида чуқур қайта ишланади.

Ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун жами 106,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Занжирли ишлаб чиқаришнинг охирги ҳалқаси ҳисобланадиган "Bukhara Cotton Textile" корхонаси учун эса 65,2 миллион АҚШ долларилик маблағ йўналтирилди. Натижада Бухоро шаҳрининг ташландиқ бўлиб қолган собиқ тўқимачилик комбинати ҳудудида замонавий ишлаб чиқариш объекти пайдо бўлди.

Мазкур йирик тўқимачилик мажмуаси таркибида бешта – йигирув, бўяш, тўқимачилик, "Деним" жинси матосига ишлов бериш, тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаларини бирлаштирган.

Айтиш жоизки, мажмуанинг умумий майдони 10 гектар. Бу ерда мавжуд бўлган битта эски бино тубдан қайта реконструкция қилиниб, қўшимча равишда яна 19 та янги бино ва иншоотлар барпо этилди. Кластернинг ишлаб чиқариш фабрикалари Германиянинг "Schlafhorst Zweigniederlassung der Saurer Germany Gmbh&Co KG", "Volkmann Saurer", "Beninger AG", "Xetma", "Monforts", "Mayer", "Menzel", "Osthoff", АҚШнинг "MORRISON", Бельгиянинг "PICANOL n.v.", Франциянинг "AESA" каби дунё тўқимачилик саноатида етакчи бўлган компанияларида тайёрланган энг замонавий технологик линиялар, асбоб-ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Мазкур тўқимачилик корхонасида 1500 нафар, кластер билан қўшиб ҳисоблаганда 6000 нафар ходим фаолият юритмоқда.

Президент корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, тайёр маҳсулот намуналарини кўздан кечирди.

– Жинси матолар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича энг илғор давлатлар билан рақобат қилиш мумкин. Чунки еримиз, сувимиз, пахтамиз ўзимизники. Ишлайман деган ёшларимиз кўп. Таннархни яна пасайтирса бўлади. Лекин сифати халқаро даражада бўлса, дунёда албатта ўз ўрнини топади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Кластер томонидан йилига ўртача 26 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилади. Уни бирламчи қайта ишлаш орқали 9100 тонна тола олинади. Тола эса "Bukhara Cotton Textile" корхонасида чуқур қайта ишланиб, ундан дастлабки босқичда 8450 тонна калава ип йигирилади. Кейинги босқичда эса 15 миллион погон метр деним жинси матолари тўқилади. Сўнгги босқичда қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларга айлантирилади. Яъни ташқи ва ички бозорда рақобатбардош бўлган жинси либослари тикилади.

Бунинг иқтисодий самарадорлиги шундаки, дунё бозорида 1 килограмм тола қиймати хом ашё сифатида 1,5 доллар бўлса, тайёр кийим қилиб сотилганда камида 25 долларга айланади.

Корхона айни пайтда йилига ўртача 12,5 миллион дона "Деним классик" ва "Деним стрейч" шимлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Тайёр маҳсулотларнинг 80 фоизи экспорт қилинади.

Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида 2020 йилда пахта майдонларининг салкам 1000 гектарига томчилатиб суғориш усули жорий қилинди. 2021 йилда яна 1000 гектар ерда бу усул тизимлари қўлланилади. Шу тариқа яқин истиқболда пахта етиштиришда тўлиқ томчилатиб суғориш усулидан фойдаланила бошланади.

Кластер томонидан Ўзбекистонда биринчи миллий жинси бренди – "B Jeans" яратилгани унинг навбатдаги ютуғи бўлди. Харидорларга ушбу ёрлиқ остидаги жинси либосларини етказиб бериш мақсадида 2020 йилда Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида кластер савдо тармоқлари ишга туширилди. Бу эса "занжирли" ишлаб чиқаришнинг энг муҳим бўлган якуний ҳалқаси боғланганидан далолатдир.

Кластер ўз олдига республика бўйича 50 та ана шундай савдо дўконлари очишни мақсад қилган. Хусусан, яқин кунларда Андижон ва Фарғонада ана шундай фирма дўконлари ишга туширилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг чет эл давлатлардаги элчихоналари кўмагида хорижда 100 та савдо нуқтасини ишга тушириш режалаштирилган. Айни пайтда Германиянинг Мюнхен, Дрезден каби йирик шаҳарларида ўзбек миллий бренди остидаги маҳсулотлар етказиб бериладиган дастлабки 7 та савдо дўконини ишга тушириш саъй-ҳаракатлари олиб борилипти. Яқин кунларда эса қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида "Савдо уйи" очилиши мўлжалланган. Келгусида бундай савдо тармоқлари фаолияти Европа давлатлари, Болтиқбўйи республикалари, Япония ва ҳатто жинси ватани бўлган АҚШда ҳам йўлга қўйилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, чет эллардаги савдо тармоқлари орқали йилига ўртача 75-80 миллион евро миқдорида валюта тушумига эришилиши мумкин. Бу миллий брендларимиз тез орада дунё бозорларини эгаллашидан бир нишонадир.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон маданий мерос ҳафталиги доирасида ташкил этилган "Миллий либослар – янги ренессанс дурдоналари" модалар намойишида "B Jeans" бренди остидаги либослар коллекцияси илк намойишдаёқ муваффақият қозонди. Модалар намойишида 50 дан зиёд либослар коллекцияси тақдим этилди. "BCT Cluster" жинси матолари асосида яратилган либослар 40 дан ортиқ мамлакатлардан келган соҳа мутахассислари томонидан юксак баҳоланди. Натижада ўзида табиийлик, қулайлик ва ҳашамни мужассам этган "B Jeans" коллекцияси "Ўзбек миллий либослари анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун" махсус диплом билан тақдирланди.

Дарвоқе, "Bukhara Cotton Textile" корхонасида ишлаб чиқарилаётган жинси матолари рангининг табиийлиги билан ҳам ички ва ташқи бозорда устунликка эга. Ишлаб чиқаришда зарур бўладиган табиий бўёқ олиш учун эса кластер раҳбарияти саъй-ҳаракатлари билан хориждан индигофера ўсимлиги уруғлари олиб келинди ва 80 гектар майдонда етиштириш йўлга қўйилди. Пировардида шу ернинг ўзида табиий бўёқлар олишга муваффақ бўлинди.

Кластер жамоаси ўз олдига корхона фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш эвазига Ўзбекистон жинси буюмлари жаҳон бозоридан мустаҳкам жой эгаллашига эришишни бош мақсад қилиб қўйган.

Давлатимиз раҳбари маҳсулотлар турини кўпайтириш, дунёга машҳур брендлар билан ҳамкорликда кийимлар ишлаб чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда 2021-2022 йилларга мўлжалланган Бухоро вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, ёшлар бандлигини таъминлаш режалари тақдимоти ўтказилди.

– Халқ ичида юриб, ҳар бир ёшнинг муаммосини эшитиб, назоратга олиб, охир-оқибат ҳал этиб берсак, вазият ўзгаради. Ёшлар ишлари агентлигининг асосий вазифаси шу бўлиши керак, – деди Президент.

Ёшларни касбга йўналтириш, тадбиркорликка ўқитиш, бизнеси ва ҳунармандчилигини очишга кўмаклашиб, бандлигини ошириш чоралари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳридаги давлат хизматлари маркази ва IT-Parkни бориб кўрди.

Бу ерда "ягона дарча" тамойили асосида 130 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилади. Бинода Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси, Халқ қабулхонаси, Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхона, ФҲДЁ бўлими, нотариал идора ҳам жойлашгани аҳолига қулайлик яратган. Кутиш залида китоблар жавони ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари хизматлар нархини арзонлаштириш, узоқ маҳаллалар аҳолисига сайёр ва онлайн хизмат кўрсатиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси ҳам очилган. Молиявий ва юридик маслаҳатлар бериш, ахборот хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Бинонинг иккинчи қаватида IT-Parkнинг Бухоро филиали жойлашган. Бу ерда ҳам ўқувчилар, ҳам талабалар, ҳам фрилансер ва дастурчилар учун зарур шароитлар яратилган. Болалар мактаб давридан ўйинлар орқали ахборот технологияларига қизиқтирилади, кейин ўқитилиб, лойиҳалар ишлаб чиқишга ўргатилади. Бу ерда ёш ҳаваскорлар, робототехниклар, веб-дизайнерлар, профессионал дастурчилар йиғилган.

Президентимиз бухоролик ёшларнинг салоҳиятини юксак баҳолаб, бу соҳа мамлакатимиз тараққиёти учун жуда муҳим эканини таъкидлади.

– Бухоро азалдан илм-фан маркази бўлган. Бугун ҳам билимли, интилувчан ёшлар кўп. Бухоронинг IT соҳаси бўйича брендини яратиш керак. Бунинг учун барча нарса – шароит, ресурс, интеллект бор, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз "Мандэй ЛАБС" корхонасига асос солган 25 ёшли Саидравшан Шокиров, халқаро IT компаниялар билан ҳамкорликда ишлаётган дастурчи Шаҳрулло Тухсанов ва бошқа ёшлар билан суҳбатлашди.

Долзарб иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ёш дастурчиларга буюртма бериш, маблағ, энергия ресурслари ва вақтни тежовчи дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари IT-Parkдаги ёшлар билан эсдалик учун суратга тушди.

IT-Park учун Bukhara City мажмуасида 9 ва 12 қаватли замонавий бинолар қурилмоқда. Мажмуада коворкинг маркази, офислар, меҳмонхона, ресторан ва спорт заллари бўлади. У ерда 700 дан зиёд иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Бухорога ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбирлари.**

# Юксак марралар сари

1-бет

**– Кейинги пайтда шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфаси анча ўзгарди. Шу соҳада қилинаётган ишлар сизни қониқтиряптими?**

– Яқинда Наманганда фаолият олиб бораётган туркиялик меъмор Гурай Каймак билан суҳбатлашиб қолдик. Дунёдаги қадимий шаҳарлар, машҳур бинолар ва иншоотлар ҳақида фикр юритилди. У Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги обидаларга юқори баҳо берди. Мамлакатимизда истиқлол йилларида миллий меъморчиликни ривожлантириш юзасидан анча иш қилинганини қайд этди. Шу билан бирга, шаҳарсозлик ва меъморий услубларни янада такомиллаштириш керак, деган хулосага келдик.

Чунки янги барпо этилаётган даҳалар, майдон ва хиёбонларда бир хиллик тез-тез учраб туради. Уларнинг ташқи қиёфасида ўзига хос жиҳатлар, хусусан, миллий безаклар кўп эмас. Меъморларимиз лойиҳаларни ишлаб чиқишда мана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Яна бир масала, бинолар атрофида автотураргоҳлар барпо этиш билан боғлиқ. Йилдан-йилга транспорт воситалари сони ортиб бормоқда. Аммо уларни сақлайдиган жойлар етишмайди. Кўчаларда юз бераётган "тиқин"ларнинг сабабларидан биттаси ҳам шу. Бу борада жаҳон тажрибасидан ўрганишимиз даркор.

**– Қурилишда сифат ва самарадорликни ошириш учун нималар қилиш керак?**

– Юртимиз қўли гул усталари билан азалдан бутун дунёга донг таратган. Ҳозир ҳам уларнинг анъаналарини муносиб давом эттираётган тажрибали мутахассислар кўп. Биз ёш қурувчиларни ана шу асрий анъаналар руҳида тарбиялашимиз, шу билан бирга, илғор хориж тажрибасидан кенг фойдаланишимиз талаб этилади. Ҳозир қурилиш майдончасида замонавий машина ва механизмлар, янги-янги бинокорлик материаллари кўплаб ишлатилмоқда. Улардан оқилона фойдаланиш орқали сифат ва самарадорликни кескин ошириш мумкин. Бунинг учун эса қурувчилар юқори малакали мутахассис бўлишлари керак.

Бундан ташқари, ёшларда қурувчилик касбига қизиқиш ва меҳр-муҳаббатни мактабдан бошлаб сингдириш мақсадга мувофиқдир. Бунда меҳнат таълими дарслари жуда қўл келади. Қолаверса, касб-ҳунар мактабларида, олий ўқув юртларида ҳам малакали кадрлар тайёрлаш диққат марказида бўлиши фойдадан холи эмас. Шу мақсадда қурувчи кадрлар тайёрлайдиган ўқув муассасалари ҳамда Наманган муҳандислик-қурилиш институти билан узвий ҳамкорлик ўрнатиш режаларини ишлаб чиқдик.

**– Мазмунли суҳбат учун катта раҳмат. Келгусидаги ишларингизда куч-қувват тилаймиз.**

**Фарғона вилоятининг Бувайда туманида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг биноси фойдаланишга топширилди.**

# Янги бино яхшиликка хизмат қилади

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



Шуниси эътиборлики, бино қурилишига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 1 миллиард 300 миллион сўм маблағи ажратилиб, тадбиркор Дилмурод Юлдашев раҳбарлигидаги "Termo Servis intel" хусусий корхонаси томонидан қисқа муддатда қуриб битказилди. Марказда 20 нафар ишчи-ходимлар фаолият олиб боришлари учун барча шароитлар яратилган.

– Якунланган йил давлат дастурига асосан туманда 1 026 та янги иш ўринлари яратилди, – деди туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Элёржон Турсунов. – Жумладан, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига асосий мақсадга эришилди.

Маълумотларга қараганда, марказга йил давомида 5 689 нафар ишсиз фуқаро мурожаат этган бўлса, уларнинг 2 628 нафари бевосита фойдали меҳнатга жалб қилинди. 584 нафар фуқарога эса ишсизлик мақоми берилиб, 217 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. 658 нафар фуқаро квоталанган иш ўринларига жойлаштирилди.

Шулар баробарида мавжуд ташкилот ва корхоналардаги бўш иш ўринлари бўйича йил давомида 11 марта меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Унда 309 та корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари ўзларидаги 1 373 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Меҳнат ярмаркалари якунига кўра, 176 нафар фуқарога ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилди. 317 нафар фуқарога меҳнат қонунчилиги ҳамда уларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, бошқа қатор масалалар юзасидан маслаҳатлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғига мувофиқ йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги 187 нафар фуқарога 326 миллион 695 минг сўм субсидия маблағлари тегишли ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди. Хусусан, енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш йўналишида 142 нафар фуқарога 316 миллион 660 минг сўм маблағлар ажратилди.

Марказнинг янги биносини фойдаланишга топшириш маросимида жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

# Мудофаачилар ўз биносига эга бўлди

**Марат УЛПЕТОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртимизда кенг миқёсда олиб борилаётган қурилиш ва янгиланишлар энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб, асосий эътибор аҳоли эҳтиёжини қондириш, яшаш шароитлари ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилмоқда.**

Бундай бунёдкорликларнинг намунаси Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида ҳам кун сайин жадаллашяпти. Яқинда туман Мудофаа ишлари бўлимининг янгидан қурилган биноси ўз фаолиятини бошлади.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ бошқарув аппарати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари масъуллари, туман ҳокимлиги, фахрийлар ва ёшлар иштирок этишди. Унда туман ҳокими Давлетбай Утемуратов сўзга чиқиб, юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг тарзда барпо этилган кўркам Мудофаа ишлари бўлимининг имораti эндиликда ёшларни ҳарбий хизматга сифатли тайёрлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масканига айланишини эътироф этди.

Бўлимнинг очилиш маросимида уни бунёд этишда фидойилик кўрсатган "Нукус индастстрой" қурилиш ташкилоти жамоасининг хизматлари алоҳида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, бунга қадар туманнинг Мудофаа ишлари бўлими ўзининг биносига эга бўлмагани сабаб, ҳар жойда вақтинчалик жойлашиб келаётган эди. Ҳозирги кунда ушбу бўлим икки туманга – Кегейли ва Бўзатовга қарайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ҳарбий-маъмурий сектори томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан туман Мудофаа ишлари бўлимининг йиғин пункти олдида, бўш турган ер майдонида янгидан икки қаватли ҳарбий муассаса қурилиб, битказилди. Замонавий дизайн асосида қурилган ва аҳолига хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга ушбу бинода навбатчиликни ўташ учун хона, бошқарув пункти, архив, жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш учун махсус жой мавжуд. Хизмат хоналаридан иборат 23 та хона мебель, компьютер жамланмалари ва бошқа зарур буюмлар билан жиҳозланди.

# "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2021 йил 22 февраль куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 8-"а" мавзеси, 13-уй, 92-хонадонда жойлашган 1-сонли давлат нотариал идорасининг 2020 йил 28 февраль, 25 ноябрь, 22 декабрь ва 2021 йил 15 январдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Gold Finance Business» МЧЖ** томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. 202001143001600-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 10 516 265 сўм.
2. 202001143001605-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 18 727 565,09 сўм.
3. 202001957001899-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 679 198,30 сўм.
4. 202001957001901-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 068 048,28 сўм.
5. 202001957001902-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 492 671,50 сўм.
6. 202001957001903-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 899 343,99 сўм.
7. 202001957001904-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 559 947,18 сўм.
8. 202001957001905-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 391 452,30 сўм.
9. 202001957001906-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 118 619 сўм.
10. 202001957001907-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 563 132,56 сўм.
11. 202001957001908-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 343 445 сўм.
12. 202001957001910-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 276 886 сўм.
13. 202001957001911-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 937 435,10 сўм.
14. 202001957001912-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 371 876,50 сўм.
15. 202001957001913-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 463 634 сўм.
16. 202001957001914-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 201 237 сўм.
17. 202001957001915-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 656 291,50 сўм.
18. 202001957001916-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 617 760 сўм.
19. 202001957001917-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 722 345,50 сўм.
20. 202001957001918-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 447 120,50 сўм.
21. 202001957001920-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 848 949 сўм.
22. 202001957001921-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 679 269 сўм.
23. 202001957001922-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 679 269 сўм.
24. 202001957001924-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 672 855,50 сўм.
25. 202001957001925-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 153 868 сўм.
26. 202001957001926-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 335 263 сўм.
27. 202001957001927-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 416 315,50 сўм.
28. 202001957001928-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 128 214 сўм.
29. 202001957001929-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 198 762,50 сўм.
30. 202001957001930-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 621 547,50 сўм.
31. 202001957001931-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 775 471,50 сўм.
32. 202001957001932-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 993 530,50 сўм.
33. 202001957001935-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 764 417,05 сўм.
34. 202001957001938-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 525 345 сўм.
35. 202001957001939-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 589 480 сўм.
36. 202001957001941-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 493 277,50 сўм.
37. 202001957002353-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 276 397,14 сўм.
38. 202001957002354-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 575 647,96 сўм.
39. 202001957002355-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 076 064,83 сўм.
40. 202001957002356-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 729 487,20 сўм.
41. 202001957002358-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 677 855 сўм.
42. 202001957002360-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 228 759,50 сўм.
43. 202001957002361-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 730 415,40 сўм.
44. 202001957002362-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 409 902 сўм.
45. 202001957002363-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 378 340,50 сўм.
46. 202001957002364-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 754 733,15 сўм.
47. 202001957002365-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 572 693,80 сўм.
48. 202001957002366-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 993 530,50 сўм.
49. 202001957002367-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 441 969,50 сўм.
50. 202001957002368-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 830 242,79 сўм.
51. 202001957002369-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 430 915,05 сўм.
52. 202001957002371-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 472 881,55 сўм.
53. 202001957002372-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 719 648,80 сўм.
54. 202001957002373-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 419 163,70 сўм.
55. 202001957002374-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 641 689,93 сўм.
56. 202001957002375-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 592 257,50 сўм.
57. 202001957002376-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 947 703,68 сўм.
58. 202001957002377-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 621 118,25 сўм.
59. 202001957002378-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 388 833,38 сўм.
60. 202001957002380-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 10 541 515 сўм.
61. 202001957002381-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 527 265 сўм.
62. 202101957000167-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 675 751,21 сўм.
63. 202101957000168-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 221 966,27 сўм.
64. 202101957000169-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 674 414,98 сўм.
65. 202101957000170-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 013 943,13 сўм.
66. 202101957000171-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 153 598,88 сўм.
67. 202101957000172-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 298 554,58 сўм.
68. 202101957000173-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 680 451,75 сўм.
69. 202101957000174-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 415 042,90 сўм.
70. 202101957000175-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 939 582,40 сўм.
71. 202101957000176-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 137 306 сўм.
72. 202101957000177-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 414 980,82 сўм.
73. 202101957000178-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 538 410,40 сўм.
74. 202101957000179-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 799 586,30 сўм.
75. 202101957000180-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 936 805,90 сўм.
76. 202101957000181-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 075 441,79 сўм.
77. 202101957000182-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 601 900 сўм.
78. 202101957000183-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 753 500 сўм.
79. 202101957000184-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 920 150 сўм.
80. 202101957000185-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 344 350 сўм.
81. 202101957000187-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3798650 сўм.
82. 202101957000188-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 602 000 сўм.
83. 202101957000189-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 283 650 сўм.
84. 202101957000190-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 033 775 сўм.
85. 202101957000191-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 465 550 сўм.
86. 202101957000192-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 132 250 сўм.
87. 202101957000194-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 404 750 сўм.
88. 202101957000195-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 556 350 сўм.
89. 202101957000196-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 109 425 сўм.
90. 202101957000197-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 602 000 сўм.
91. 202101957000198-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 677 650 сўм.
92. 202101957000199-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 071 650 сўм.
93. 202101957000200-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 859 550 сўм.
94. 202101957000201-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 829 150 сўм.
95. 202101957000202-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 132 356 сўм.
96. 202101957000203-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 518 075 сўм.
97. 202101957000204-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 200 025 сўм.
98. 202101957000205-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 162 150 сўм.
99. 202101957000206-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 738 150 сўм.
100. 202101957000207-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 768 650 сўм.
101. 202101957000208-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 602 000 сўм.
102. 202101957000209-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 859 450 сўм.
103. 202101957000212-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 223 150 сўм.
104. 202101957000210-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 844 200 сўм.
105. 202101957000211-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 564 125 сўм.
106. 202001957001937-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 038 425 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Gold Finance Business» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Истироҳат боғи кўчаси.

Юқоридаги мулклар 2021 йил 24 февраль куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар душанба ва пайшанба кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Шаҳар марказий кўчаларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармасининг 2021 йил 18 январдаги 01-33-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 65-уй манзилида сақланаётган қуйидаги техника воситалари қўйилмоқда:

1. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 СА 671 бўлган, техник носоз Борекс-2302 русумли экскаватор. **Бошланғич баҳоси** – 44 991 684 сўм.
2. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 268 РВА бўлган, техник носоз КАЗ – 608 Б русумли юк автомашинаси. **Бошланғич баҳоси** – 20 144 904 сўм.
3. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1927 АА бўлган, техник носоз ОДАЗ 885 русумли ярим тиркама (полуприцеп). **Бошланғич баҳоси** – 4 531 500 сўм.

Аукцион савдолари **2021 йил 23 февраль** куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 19 февраль куни, соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги техника воситалари **2021 йил 23 февраль** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 10 март ва 24 март кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддатлари:** 10 мартдаги савдо учун 5 март ва 24 мартдаги савдо учун 22 март куни, соат 18.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш, мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Веб-сайт:** www.rmm.uz.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2021 йил 24 февраль куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Сергели туманида жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2020 йил 25 ноябрь, 22 декабрь ва 2021 йил 15 январдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Kibray Kredit» МЧЖ** томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. 202001957001879-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 901 731,10 сўм.
2. 202001957001880-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 326 049,76 сўм.
3. 202001957001881-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 294 965 сўм.
4. 202001957001882-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 321 125 сўм.
5. 202001957001883-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 461 210 сўм.
6. 202001957001884-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 14 198 624 сўм.
7. 202001957001885-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 270 829 сўм.
8. 202001957001886-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 397 075 сўм.
9. 202001957001887-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 233 360 сўм.
10. 202001957001888-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 900 870 сўм.
11. 202001957001889-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 409 902 сўм.
12. 202001957001898-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 679 775 сўм.
13. 202001957001890-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 705 935 сўм.
14. 202001957001891-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 487 370 сўм.
15. 202001957001892-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 512 518 сўм.
16. 202001957001894-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 397 075 сўм.
17. 202001957001895-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 812 956,60 сўм.
18. 202001957002336-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 581 305 сўм.
19. 202001957002337-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 453 199,89 сўм.
20. 202001957002338-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 937 166,93 сўм.
21. 202001957002339-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 065 533,40 сўм.
22. 202001957002340-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 322 660,20 сўм.
23. 202001957002342-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 14 564 420,75 сўм.
24. 202001957002343-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 826 062,40 сўм.
25. 202001957002346-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 407 040,13 сўм.
26. 202001957002347-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 325 249,32 сўм.
27. 202001957002348-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 132 433,75 сўм.
28. 202001957002349-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 336 055,59 сўм.
29. 202001957002350-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 677 736,75 сўм.
30. 202101957000140-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 340 209 сўм.
31. 202101957000141-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 067 985,70 сўм.
32. 202101957000142-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 602 815,05 сўм.
33. 202101957000143-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 13 521 591,25 сўм.
34. 202101957000144-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 003 853,75 сўм.
35. 202101957000146-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 846 427 сўм.
36. 202101957000147-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 928 788,50 сўм.
37. 202101957000148-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 854 654,03 сўм.
38. 202101957000149-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 12 282 650 сўм.
39. 202101957000150-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 526 150 сўм.
40. 202101957000151-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 116 900 сўм.
41. 202101957000152-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 798 150 сўм.
42. 202101957000153-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 964 900 сўм.
43. 202101957000154-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 12 131 150 сўм.
44. 202101957000155-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 268 500 сўм.
45. 202101957000156-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 882 275 сўм.
46. 202101957000157-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 677 650 сўм.
47. 202101957000158-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 579 275 сўм.
48. 202101957000159-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 063 975 сўм.
49. 202101957000160-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 586 150 сўм.
50. 202101957000161-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 995 500 сўм.
51. 202101957000163-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 162 150 сўм.
52. 202101957000164-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 677 650 сўм.
53. 202101957000165-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 814 100 сўм.
54. 202101957000166-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 101 750 сўм.
55. 202001957002344-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 700 445,63 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Kibray Kredit» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчаси, 4-"а" уй.

Юқоридаги мулклар 2021 йил 24 февраль куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар чоршанба ва жума кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# Ҳеч бир ота фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди

**Феруза МУҲИТДИНОВА,**
ТДЮУ профессори,
юридик фанлар доктори,
Маърифат тарғиботчилари
жамияти аъзоси.
ЎзА

**Президентимиз раислигида куни кеча – 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ушбу йиғилишда Республика маънавият ва маърифат марказининг эксперти, Маърифат тарғиботчилари жамияти аъзоси сифатида қатнашдим. Ҳуқуқшунос сифатида ҳамиша маънавият ва ҳуқуқ бирга юришини, тарозининг икки палласи бўлиб, бир-бирини тўлдиради, деган ғояни ёшларимизга қайта ва қайта таъкидлардим. Чунки маънавиятли инсон жамиятда юриш-туришни, кийиниш ва муомала маданиятини яхши англайдики, бундай инсонлар ўзгаларга яхшилик, эзгулик қилганидан завқланиб яшайди.

Ўзбекистон янги Ренессанс остонасида турибди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатлари йўлидан бораётганлигини нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам тан олмоқда. Шундай даврда битта нарсага алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим. Бу маънавиятимиз, миллатимиз эртаси, ёш авлод келажагига эътибордир. Тўғри, Президент ижод ва ихтисослаштирилган мактаблари, олий ўқув юртлари очилмоқда ва фаолият юритмоқда. Лекин дунёда инсонпарварлиги, халқпарварлиги, меҳнатсеварлиги, одиллигию маърифатпарварлиги билан ҳамиша улуғланган қудратли халқимизнинг буюк ўтмиши ва тарихи, миллий қадриятлари биз учун буюк меросдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, ёшларимиз қалби ва онгига миллий ғоянинг чуқур сингдирилаётганлиги билан узвий боғлиқ. Шу сабабли, уни тарғиб этмаслик айбдир.

Йиғилишни ҳаяжон ва қувонч билан тингладим. Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Дарахтнинг бўшини қурт ейди, деб бежизга айтмайди халқимиз. Шунинг учун маънавий меросимизда тарбия масаласига алоҳида эътибор бўлган. Жумладан, Абдураҳмон Жомий ўз фарзанди Зиёвуддин Юсуфга насиҳат қилар экан, отаси фақат машҳур киши бўлгани учун унинг номи, обрўси билан мақтанмасликни, балки унинг номига муносиб фарзанд бўлиб етишишни талаб қилади. Шунингдек, "Қобуснома" асарида ҳам "Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлса-ю, аммо ҳунари бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биландур, насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил... Бу от фақат бир нишонадин бошқа нарса эмасдур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил", дея таъкидланган.

"Қобуснома"ги қуйидаги сатрлар ҳам қимматлидир: "Эй фарзанд, билғилким, ақл юзасидин фарзандға ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдир, нединким, унинг асли ота ва онадур. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шул важдин ота-онангни сағал ҳам ранжитмағил". Ҳар бир ота-она фарзанди дунёга келган илк ондан бошлаб унга бутун меҳрини беради, бор имконини сарф этади, баркамол инсон бўлишини ният қилиб тарбиялайди.

Маърифатпарвар Авлонийнинг фикрича, одам туғилишидан ёмон хулқ билан туғилмайди. Муайян бир шароитда ёмон тарбия натижасида уларда ёмон хулқ пайдо бўлади ва шаклланиб боради. Инсондаги қобилиятни камолга етказиш тарбия билан амалга ошади. Агар инсон яхши тарбия топиб, ёмон хулқлардан сақланса, гўзал хулқларга одатланиб, вояга етса, у барчанинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлган бахтиёр инсон бўлиб шаклланади. Агар аксинча бўлса, унинг ҳар қандай бузуқ ишларни қиладиган, нодон, жоҳил, ёвуз бир одам бўлиб етишишига олиб келади.

Демак, тарбиядан кўзланган мақсад фарзандларимизнинг бахти, эртанги кунининг порлоқ бўлишидир. Президентимизнинг ушбу йилдан бошлаб маънавият ва маърифат соҳаси ихтисосликларини фанлар классификаторига киритиш, бу йўналиш бўйича етук кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлари жуда муҳимдир.



Халқ билан учрашувларда аудиторияни жалб этиш ҳам маҳорат. У кучли билим ва нотиқликни талаб этади. Билими бўлиб, уни етказа олмаслик тадбирнинг таъсирини туширади. Қувонарли томони шундаки, марказ қошида Илмий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилмоқда. Айнан шу ерда маънавиятимизнинг тарихий илдизлари тадқиқ этилади. Маънавият тарғиботчилари учун махсус қўлланма ва материаллар тайёрланади. Бу ҳам муҳим янгилик: чунки қўлида ёрдамчи қўлланманинг борлиги қуролдир.

"Ижод" жамоат фонди негизида Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фондининг ташкил этилаётгани ҳам диққатга сазовор. Бу жамғармага 120 миллиард сўм ажратилиб, маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини самарали амалга ошириш, миллий адабиётни ривожлантириш учун сарфланади. Бу маблағнинг 90 миллиард сўми ҳудудларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга, 20 миллиард сўми Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 10 миллиард сўми мамлакат миқёсида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил қилишга йўналтирилмоқда. Албатта, бундан кўзланган мақсад ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшларда миллий ғояга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини, юксак маънавий-ахлоқий қарашларни тарбиялашнинг, уларда мафкуравий-маънавий иммунитетни шакллантиришдир.

Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида маънавият учун энг катта хавф бу – аксарият одамларимизда лоқайдлик ва бепарволик кучайиб бораётганида, дея таъкидлади. Айниқса, ҳозирги замонда маънавий нуқтаи назардан «ухлаб ётиш»га, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Барча фожеа ва муаммолар, Ватанга, миллатга, келажакка хиёнат айнан лоқайдликдан бошланиши қайд этилди.

Маънавият инсон, жумладан, ёшларимизнинг жамият ва унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш, муайян вазифани адо этишда фидойилиги, бутун куч ва имкониятларини тўла сафарбар этишини англатадиган категориядир. Шу боис, эндиликда ҳар вилоят, ҳудудлар кесимида маънавият тарғиботи йўлга қўйилиб, Маънавият монументи ўрнатилиб, шу ҳудудда фидойи ва фаол маънавият тарғиботчилари рағбатлантирилади. Айниқса, ҳокимларнинг рағбатлантириш масаласи ҳам ҳаммага маъқул бўлди. Олий таълим муассасаси ўқитувчиларининг маънавий тарғибот ишлари учун 50 фоиз устама қўшиш таклифи ҳам кутилмаган янгилик ва маънавиятимизга бўлган эътирофдир. Зеро, ёшларимизни ҳар куни, ҳар онда фидойи бўлиши, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат ва эътибор асосида ўз олдига қўйган буюк бунёдкорлик, яратувчанлик мақсадлар сари интилиши, ҳақиқий маънавий жасоратга айланади.

Буюк ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг "Одоб дурдоналари" ("Ал-Адаб ал-муфрад") китобида келтирилган муборак ҳадиси шарифда "Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди", дейилишининг сабаби ҳам шунда.

Уважаемые дамы/господа!

**Отдел закупок Программы развития ООН (ПРООН) в Узбекистане приглашает Вас принять участие в тендере RFQ/002/21 по строительству пилотного сельского жилого дома с практически нулевым энергопотреблением в сходе граждан МФИ «Ёшлик», г. Нурафшан Ташкентской области.**

Тендерное предложение просим предоставить на фирменном бланке компании, как указано, не позднее **29 января 2021 г., до 18.00 по ташкентскому времени (GMT+5).**

**Вы можете подать ваше предложение по электронной почте или почтовым курьером по указанному ниже адресу:**

Программа Развития ООН
100029, Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Т. Шевченко, 4.
**Тел.:** + 998 78 120-34-50.
**Факс:** + 998 78 120-34-85.
**Кому:** Отдел закупок ПРООН.
**Адрес для подачи предложения по электронной почте:** bids.uz@undp.org
**Ваше предложение должно содержать следующую ссылку либо на конверте, либо в теме электронного сообщения:**

**Тема:** «RFQ/002/21 – строительство пилотного сельского жилого дома с практически нулевым энергопотреблением в сходе граждан МФИ «Ёшлик», г. Нурафшан Ташкентской области.

Вопросы касательно тендера должны быть отправлены в письменном виде до окончания срока тендера на pu.uz@undp.org

**Информация по тендеру, также доступна по следующим ссылкам:**

**Объявления о закупках ПРООН:** http://www.undp.org/content/undp/en/home/operations/procurement/business/procurement-notices/resources/

**Отдел закупок надеется на Ваше активное участие!**

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

**Январь ойининг шу кунларида ўз таваллуд кунларини нишонлаётган**

Қурилиш вазирлигининг юридик бўлими бошлиғи **Акбар Ражабов**, Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини мудофаалаш бошқармаси бош мутахассиси **Рустам Қўчқоров**,

«Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК директори ёрдамчиси **Ёқубжон Бахрамов**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси архивариус **Светлана Джаббарова,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҚМИ бўлими бош мутахассиси **Жалол Хайитов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Бухоро вилояти филиали раҳбари **Саид Файзиев**,

Қашқадарё вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Жамолиддин Тошинов**,

Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси иш юритувчиси **Гулистон Эшпўлатова**, Навбаҳор тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Искандар Турсунов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Навоий вилояти филиали фарроши **Машҳура Шодиева,**

Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи **Фармон Мардонқулов**, Архитектура-режалаштириш бюроси УК етакчи мутахассиси **Маъруфжон Мўминжонов**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи **Ҳамдам Жабборов,** етакчи мутахассис **Феруз Шоназаров,**

Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази кичик мутахассиси **Жамар Орзибоева**ларни чин дилдан муборакбод этамиз.

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий тотувлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# Ёш олимларнинг илмий изланишлари

**Зарифа ТОЙЛОҚОВА,**
Тошкент архитектура-қурилиш институти магистранти.

**Бугунги кунда ёшларимизга кенг шароитлар мавжуд. Жумладан, ўз тадбиркорлигини бошлаш ниятида бўлганларга алоҳида имтиёзли кредит турлари жорий этилган бўлса, оилавий тарзда бизнес қилиб, даромадини ошириш орқали ўзининг иқтисодий барқарорлигини юксалтириш мақсадидаги фуқароларга қатор енгилликлар қўлланилмоқда.**

Бу жиҳатларни айнан молия муассасаларидан имтиёзли равишда кредит маблағларининг ажратилишида кўришимиз мумкин. Ёшлар ўз бизнес лойиҳаларини илгари суриб, олаётган кредит малбағларини ҳунармандчилик, чорвачилик, қуёнчилик, паррандачилик каби йўналишлар ривожига сарфлаб табдиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб бораётганлари эътиборга молик. Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар тадбиркорлигига кўмаклашиш, "Аёллар дафтарига" киритилган хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиб, ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уларни "Аёллар дафтари"дан чиқариш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Умуман олганда, кредит тизимида кейинги йилларда имтиёзларнинг кенгайиб бораётгани албатта аҳоли учун қатор қулайликларни яратади.

Кредит маблағларини олаётганда фуқароларимиз ўзларининг шахсий мулкини гаров сифатида қўйиш жараёнларида афсуски, баъзи ҳолларда камчиликлар, қонунбузилишлар учраб турибди. Айниқса, гаров эгаси бировнинг шахсий мулкига соҳта ҳужжатларни тайёрлаб кредит маблағларини олаётгани ёки ҳали қурилиши якунланмаган объектнинг ҳужжатлари расмийлаштирилмай туриб, уни гаровга қўйиш ҳолатлари қайд этилаётгани ачинарли.

Тошкент архитектура-қурилиш институти Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш кафедраси ёш олимлари томонидан олиб борилаётган «Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги илмий-тадқиқоти мазкур муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Жумладан, диссертация бир қатор муҳим масалаларни қамраб олган. Гаров таъминотини ҳаққоний ва оқилона баҳолаш, кредит таъминоти сифатида олинган мол-мулкни зарур ҳолларда сотиш, банк кредитлари таъминотига қўйилган гаровни баҳолашда юқори малакали ва тажрибали баҳоловчиларни жалб этиш, банк кредитлари таъминотини баҳолаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар атрофлича таҳлил этилмоқда. Илмий иш доирасида илгари сурилаётган ташаббус – гаров тарзида қўйилаётган объектнинг нархини белгилаш фуқароларга банк кредитларини олиш жараёнларида қўл келади. Чунки, улар олаётган пул маблағларининг миқдори гаровнинг қийматига мутаносиб келиши керак. Баҳолаш асосида объектнинг дастлабки лойиҳа ва смета ҳужжатларининг қонуний экани, унинг қурилиш ва шаҳарсозлик меъёрларига қанчалар мос келиши ҳамда унинг сифати ва мустаҳкамлигини таъминлашда фойдаланилган қурилиш материалларининг ҳолати ҳисобга олинади.

Тадқиқот давомида банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш режалаштирилган. Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, диссертациянинг асосий вазифалари сифатида банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш орқали иқтисодий моҳиятини очиб бериш, банк-кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг ҳаражат, даромад ва қиёсий ёндашувларини таҳлил қилиш вазифалари белгилаб олинди. Албатта, ҳар бир илмий ишнинг ўз олдига қўйган мақсади ва янгилиги мавжуд бўлгани сингари мазкур илмий иш ҳам бу каби янги ғоя ҳамда ташаббуслардан ҳоли эмас. Тадқиқот иши давомида банк кредитлари гарови бўйича баҳолашда йўл қўйиладиган миқдорларни аниқлашга асосий масала сифатида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда банк кредитлари бўйича гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш, хусусан банкларнинг кредит таъминотини баҳолашда маъмурий ёндошувларга барҳам бериш ва шу орқали баҳолаш ташкилотлари ўртасида ўзаро рақобатни кучайтириш устувор масалалардан бири экан, олиб борилаётган илмий-тадқиқот иш эса бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

ТАҚИнинг профессор-ўқитувчилари талабаларга бино ва иншоотларни лойиҳалаш, смета-ҳужжатларини тайёрлаш, объектларнинг дизайни, қурилиши ва мустаҳкамлигини таъминлаш, сифатли қурилиш материалларидан тўғри ва самарали фойдаланиш, шунингдек, кўчмас мулк объектларини баҳолаш, уларнинг экспертизасини ўтказиш ва яна бошқа йўналишларда билим бермоқдалар. Келгусида илмий ишни янада такомиллаштириш ва уни соҳага кенгроқ жорий этиш мақсадида банк молия муассасаларидан бирида амалиёт ўташ жараёнларига эътибор қаратилади. Бу эса ёш тадқиқотчиларга катта тажриба майдони вазифасини ўташи, шубҳасиз.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-143.
2559 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 02.45. Топширилди – 03.30.
1 2 3 4 5 6